

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Акциядорларнинг
2019 йил 11 октябрдаги навбатдан
ташқари Умумий йиғилиши
қарори билан

(2019 йил 11 октябрдаги
баённома)

“AGRO FINANS LIZING” акциядорлик жамиятининг
“Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги

НИЗОМИ

Тошкент шаҳри - 2019 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва кейинги ўринларда “Жамият” деб аталувчи “AGRO FINANS LIZING” акциядорлик жамиятининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқарилган.

1.2. Мазкур Низом Тафтиш комиссиясининг ваколат ва вазифаларини, уни сайлаш тартиби, унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлайди.

II. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти назоратини амалга оширади.

Жамият тафтиш комиссияси аъзолари Жамиятнинг ижроия органи аъзолари таркибига киришлари мумкин эмас ва ўз фаолиятларини Жамиятнинг Уставига ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширадilar.

2.3. Тафтиш комиссияси ваколатлари:

Жамиятнинг барча хизмат хоналарига тўсиқсиз кириш;
молиявий ҳужжатларни ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини текшириш;

бухгалтерия ва статистик ҳисобларни амалдаги норматив ҳужжатларга муносиблигини таҳлил қилиш;

молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятида ўрнатилган норматив, қоидаларга ва давлат стандарларига риоя қилинаётганлигини текшириш;

Жамиятнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш, унинг тўлов қобилиятини, тугатилишини, ўзининг ва заём маблағларини нисбатини, Жамиятнинг иқтисодий ҳолати яхшиланишига резервларни таъсирини таҳлил қилиш;

солиқ инспекцияси, статистик ва бошқа давлат бошқаруви органлари учун тузилган баланс, ҳисобот ҳужжатларни тўғрилигини текшириш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш, қарорлар Жамиятнинг ҳужжатларига, яъни амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлар талабларига тўғри келмасликлари аниқланганда таклифлар киритиш.

иш жилдларидан айрим ҳужжатларни олиш (иш жилдларида ҳужжатлар олинмиши тўғрисидаги далолатнома ва олинган ҳужжатлар нусхаларини қолдириш), агарда текширув мобайнида қалбакилаштириш, сохталаштириш ёки бошқа суистеъмолчилик ҳолатлари аниқланганидан бўлса:

Жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, Жамият ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан текширув мобайнида пайдо бўладиган масалалар бўйича ёзма тушунтиришлар олиш;

Жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, Жамият ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларига аниқланган қоидабузарликлар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериш, агарда

бундай чораларни кўрмаслик қимматликларнинг, ҳужжатларнинг йўқ бўлишига ёки келгусидаги суистеъмолчилик ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлса;

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини, Жамият кузатув кенгаши мажлисларини ўтказилишини Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда талаб қилиш;

Жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, Жамият алоҳида бўлинмалари ва Жамият ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларидан Тафтиш комиссияси Жамиятнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текширилишини ўтказиши учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш;

Жамият ходимлари, шу жумладан Жамият бошқарув органлари мансабдор шахсларига нисбатан агарда улар томонидан Жамият Устави ва Жамият ички ҳужжатлари қоидалари бузилган бўлса, интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш тўғрисидаги масаласини кўриб чиқишга киритиш.

III. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқлари :

Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги ҳар қандай маълумотни биринчи талаби бўйича олиш;

Жамият манфаатларига зиён етказилиши хавфи келиб чиқганда ёки мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган суистеъмолликлар аниқланган ҳолларида ваколатли шахслардан бошқарувнинг, кузатув кенгашининг, умумий йиғилишининг мажлисларини чақирилишини талаб қилиш;

Жамият бошқарувининг органлари, унинг бўлинмалари, хизматлари олдида ходим ўз мажбуриятларини бузган пайтда, унинг жавобгарлиги тўғрисида масалани қўйиш.

IV. ТАФТИШ КОМИССИСИ АЪЗОЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Тафтиш комиссиясининг мажбуриятлари:

текширув доирасига тегишли ҳар қандай ҳужжатларни муфассал равишда ўрганиб чиқиш;

Жамиятнинг кузатув кенгашининг, бошқарувнинг қарорлари бўйича текширув ва тафтишлар натижаларини ёзма ҳисоботлар шаклида амалга ошириш, шунингдек Жамиятнинг бошқаруви мажлислари тўғрисидаги хабарлар ва ахборотларни ўз вақтида акциядорларга маълумот тариқасида етказиш;

тижорат сирига риоя қилиш;

Жамият манфаатларига аниқ хавф етказилиши маълум бўлганда, акциядорлар умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш.

4.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият кузатув

кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

4.3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

4.4. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

4.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

4.6. Тафтиш комиссияси ўтказган текширувлар натижаларини Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига ёки кузатув кенгашига тақдим қилади. Текшириш натижаси бўйича тузилган далолатнома тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда Жамиятнинг мансабдор шахслари томонидан имзоланиши шарт.

4.7. Тафтиш комиссияси йиллик текширув натижалари бўйича молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби юритилиши тартиб қоидаларига мувофиқ ўз хулосалари билан ҳисоботни кузатув кенгашига тақдим этади.

4.8. Тафтиш комиссиясининг иши қониқарсиз бўлган ҳолларда, уни қайта сайлаш тўғрисидаги масала акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ҳал қилинади.

V. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ТАРКИБИ ВА ТАФТИШ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5.1. Тафтиш комиссияси аъзолари Жамият Уставига ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан 3 киши таркибда сайланади.

5.2. Тафтиш комиссияси аъзолари ўз таркибидан тафтиш комиссиясининг раисини сайлайди.

5.3. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айтилган бир шахс Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

5.4.Тафтиш комиссиясининг мажлислари тасдиқланган режа бўйича текширув ёки тафтиш бошланишидан олдин ва у тугашидан сўнг ўтказилади.

5.5.Тафтиш комиссиясининг кечиктириб бўлмайдиган қарорини талаб қилувчи қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган пайтда, тафтиш комиссиясининг аъзоси комиссиянинг фавқулодда мажлисини чақирилишини талаб қилиши мумкин.

5.6.Тафтиш комиссияси мажлисида тафтиш комиссиясининг аъзоларидан камида 50 фоизи қатнашганда, тафтиш комиссияси мажлиси ваколатли ҳисобланади.

5.7.Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари уларнинг кўпчилик овозлари билан тасдиқланадилар. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир. Овозлар тенг бўлган ҳолларда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз деб ҳисобланади.

5.8.Тафтиш комиссияси аъзолари қабул қилинган қарорга рози бўлмаган ҳолларда, тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг алоҳида фикрини баённомага киритишни талаб қилиши мумкин, шунда у қабул қилинган қарор учун жавобгар бўлмайди.

5.9.Тафтиш комиссиясининг раиси мажлисларни чақиришни, унинг ўз вақтида ўтказилишини, жорий ишларни ташкиллаштиришни, шунингдек тафтиш комиссиясининг мажлислари баённомалари юритилишни ташкил этади, унинг номидан ҳужжатларни имзолайди, тафтиш комиссияси аъзоларининг далолатнома ва хулосаларини тегишлилигича акциядорларга ёки ваколатли бошқарув органларига етказди.

VI. ТАФТИШ КОМИССИЯНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Тафтиш комиссияси аъзолари Жамиятда ўтказилган текширувлар яқуни натижалари бўйича тузилган хулосалари учун жавобгардирлар.

6.2.Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан Жамият манфаатларига зарар етказилганда, Жамият Уставида ва амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда улар жавобгар бўлади.

"AGRO FINANCE AND INVESTMENT"
Бошқарув раиси



А.Н.Холмуратов

